

Марғуба МИРҚОСИМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори

ИНТЕРФАОЛ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ИНТЕНСИВ ЛОЙИХАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ТЕХНОЛОГИЯ ИНТЕНСИВНОГО ПРОЕКТИРОВАНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ УЧЕБНЫХ ЗАДАНИЙ

TECHNOLOGY OF INTENSIVE PROJECT WORK IN INTERACTIVE EDUCATIONAL TASKS

Аннотация: Мақолада талабаларнинг ижтимоий гуманитар фанларни ўрганишга мотивациясини ошириш; ўқув жараёнини анъанавий ва аралаш таълим интеграциясида таъкиллаштириш; таълим амалиётига талабаларни фаоллаштирувчи усулларни жорий этиш; интерфаол ўқув топшириқларини ишлаб чиқиб, интенсив лойиҳалаш технологияси асосида таълим амалиётида фойдаланиш каби масалалар ёритилган.

Таянч сўзлар: рақамлаштириш жараёни, таълим тизими, касбий компетенциялар, масофавий таълим, ҳамкорлик педагогикаси, аралаш таълим интеграцияси, интерфаол топшириқлар, интенсив лойиҳалаш, анъанавий таълим методлари, таълим натижалари.

Аннотация: В статье рассматриваются такие вопросы, как повышение мотивации студентов к изучению социально-гуманитарных дисциплин; организация образовательного процесса в условиях интеграции традиционного и смешанного образования; внедрение в образовательную практику студенческих методов обучения; разработка интерактивных методов обучения и их использование в образовательной практике на основе интенсивных проектных технологий.

Ключевые слова: процесс цифровизации, система образования, профессиональные компетенции, дистанционное обучение, совместная педагогика, интеграция смешанного обучения, интерактивные задания, интенсивный дизайн, традиционные методы обучения, результаты обучения.

Abstract: The article aims to increase the motivation of students to study social sciences and humanities; organization of the educational process in the context of the integration of traditional and mixed education; introduce methods to activate students in educational practice; develop interactive educational tasks and their use in educational practice based on intensive design technology.

Key words: digitalization process, education system, professional competencies, distance learning, collaborative pedagogy, blended learning integration, interactive assignments, intensive design, traditional teaching methods, learning outcomes.

Дунёда пандемия шароитида барча соҳаларда бўлгани каби рақамлаштириш жараёни таълим тизими ва педагог кадрлар учун бардошлилик синовига айланиб, кўплаб муаммолар ечимини излашни талаб этмоқда. Жаҳоннинг илғор мамлакатларида, жумладан, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Корея, Россия каби мамлакатлар илмий ҳамжамиятларида гуманитар фанларни ўқитишни коммуникатив ва касбий компетенциялар орқали ривожлантириш, мустақил таълим олишни кучайтириш, ўқув-меъёрий таъминот, таълимни рақамлаштириш билан уйғунликда шакллантириш масалаларини кўндаланг қўймоқда. Бундай муаммоларни тадқиқ қилувчи ўнлаб тадқиқотлар юзага келди. Уларнинг натижаларига кўра бундан кейинги таълим тизими пандемиядан олдинги даврдан бутунлай бошқача бўлиши, пандемия таълимни шиддат билан рақамлаштирувчи катализаторга айланганлиги таъкидланмоқда. (1: 2.)

Муаммо таҳлили: бугунги масофавий таълимда педагогнинг таълим олувчилар билан юзма-юз мулоқоти ўрнини масофавий таълимда иштирок этаётган (ёки иштирок этмаяпган) талабаларни дарсга эътиборларини тортиш, мотивация уйғотишга ҳаракати эгаллади. Машғулот иштирокчиларини яқиндан танимаган, билмаган ҳолатда уларнинг индивидуал ва ёш хусусиятлари, жамоанинг ўзига ҳосликларини масофадан туриб аниқлаштириш ҳамда ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда педагогдан алоҳида маҳорат ҳамда ташкилотчилик, ижодкорлик қобилияти талаб қилинмоқда.

Таълим мақсадларига эришишдаги таълим олувчилар билан ҳамкорликдаги фаолиятни бугунги масофавий ўқитишда дарснинг илк

дақиқалариданок бошлашга тўғри келмоқда. Анъанавий таълимга хос дарснинг мавзусига мос шиорини танлашни талабаларга топшириш ва танланган дарс шиорини изоҳлаб беришларини сўраш; “лирик чекиниш”лардан фойдаланиб, мотивацияни уйғотиш, машғулоти режаси асосида ўзлаштириш назарда тутилган янги тушунчаларни изоҳлашни сўраш ва биргаликда режадаги масалаларга боғлаб шарҳлаш усулини қўллаш; “Б.Б.Б.” методи асосида янги мавзуга талабалар диққатини тортиш; “Сизнинг фикрингиз қандай?” (“Қандай?” ва “Нима учун?”) каби ўқув органейзерларидан фойдаланиб, талабаларни янги мавзу баёни жараёнидаги фаол иштирокларини таъминлашга интилиш натижасида бугунги масофавий ўқитиш шароитида ҳам ҳамкорликда ишлашга, фаол таълим муҳитини яратишга эришиш мумкин.

Талабаларнинг ижтимоий гуманитар фанларни ўрганишга мотивациясини ривожлантириш ўқув жараёнини анъанавий ва аралаш таълим интеграциясида ташкиллаштириш ҳамда таълим амалиётига талабаларни фаоллаштирувчи усулларни жорий этиш билан боғланади. Зеро, қисқа муддатда анъанавий таълимдан онлайн таълимга ҳатлаб ўтиш натижасида аксарият фанларда бўлгани каби ижтимоий гуманитар таълимнинг ҳам рақамлаштиришга трансформациялашуви юз берди. Ана шундай таълим муҳитини яратишда ўқитувчиларнинг педагогик компетенцияни мунтазам такомиллаштиришга, билим ва малакаларини янги таълим шароитларига мослашган ҳолда ривожлантиришга интилишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги таълим муҳити анъанавий таълимнинг қатор хусусиятларини сақлаб қолган: педагогик ҳамкорлик, фаоллаштирувчи муаммоли саволларга кўпроқ мурожаат қилиш, “ақлий ҳужум”, таҳлилга йўлловчи “ФСМУ” ёки “SWOT-TANLIL”, хилма-хил диаграммалар ва график органайзерлар асосидаги интерфаол ўқув топшириқларидан фойдаланиб маъруза машғулотида ҳам талабаларнинг фаоллигини таъминлаш, уларни аналитик, мантикий, креатив фикрлашга ўргатиш; биргаликдаги изланиш воситасида таълим мақсадларига эришиш; нафақат машғулоти якунида, балки режадаги алоҳида масалани ёритиб бўлингач,

тўхташлар қилиб, “Зинама-зина” методида савол-жавоблар ўтказиш орқали ўзлаштирилган билимларни мустахкамлаб бориш усулларидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Фаол таълим муҳитида талабани яқиндан танишга, унинг ўзига хос фикрлаш салоҳиятини ўрганишга, мустақил фикрини тинглашга катта имкон яратилади. Муҳими, педагог ташаббуси билан ўртага ташланадиган саволларнинг қизиқарли, бахталаб, бир қанча қарашлар ва ёндашувларни юзага келишига замин бўлувчи моҳиятга эга бўлиши; ўқув топшириқлари талабани фаол фикрлашга, амалий фаолиятга йўлловчи характерда бўлишидир.


Тавсиялар: бу жараён шубҳасиз педагоглардан ижодкорликни талаб қилади. Ўз фаолиятимизда қўлланилаётган интерфаол топшириқлардан амалий фойдаланишни тавсия қиламиз:

“Умумий педагогика” фани юзасидан график-органайзерлар асосидаги ўқув топшириқлари.


1. Таълим тамойилларини қуйидаги график-органайзер асосида тизимлаштиринг.




2. Таълим қонуниятларини тармоқлаштиринг.




3. Ўқув режа ва ўқув дастурлари турларини тармоқланг.



4.Таълим бериш функцияларини изоҳланг.




5.Билимларни эгаллаш босқичларини кўрсатинг.




6.Кўргазмали метод турларини тармоқлаб кўрсатинг.




7.Амалий ишлар методини тармоқланг.



8.Таълим методларини гуруҳланг.



Ўқув материални тизимлаштириш учун ўқув элементларининг мантикқа асосланган графидан фойдаланиш талабага дидактик тизим компонентлари сифатида катта ҳажмдаги ахборотларни англаш, профессор-ўқитувчига талабаларнинг ўқув ахборотини ўзлаштиришини тезкор назорат қилиш имконини беради. Қуйида намуна сифатида ишлаб чиқилган ўқув элементларининг мантикқа асосланган графини келтириб ўтамыз.



“Ўқитиш методлари” мавзусидаги ўқув элементларининг мантикқа асосланган графи


Метарежа талабаларнинг ўқув ахборотларини психологик ва психофизиологик идрок этиш талабларига жавоб берувчи геометрик шаклларда ифодаланган ахборот элементларидан фойдаланиш асосида идрок этиш жараёнларини фаоллаштиради.

Метарежа ўзида маълум бир маъно ифодаловчи инвариант кўплаб тасвирий шаклларни (чизиқ, булутсимон, тўртбурчак, учбурчак, доира) акс эттиради. Метарежанинг ўқув жараёнидаги афзаллиги шундаки, эмоционал-ҳиссий шакллардан фойдаланиш орқали ўқув материални ўзлаштириш жараёни тезлашади ва осонлашади. Масалан, мотивлар назариясига доир қуйидаги метарежани намуна сифатида келтириб ўтиш мумкин.



Мотивацион назариялар мазмуни” мавзуси бўйича метарежа намунаси

Таълимни ахборотлаштириш шароитида касбий фаолиятнинг турли соҳаларида, шу жумладан педагогик фаолиятда ўқув ахборотларини тизимлаштиришда интеллект-(ментал, билимлар, mindmaps)карталардан фойдаланиш имконияти юқори. Ахборотларнинг тақдим этишга доир чизма-тасвирий моделнинг мазкур тури америкалик педагоглар Б.Депортер ва М.Хенаки томонидан таклиф этилган. Интеллект-карта кўпроқ ахборотни идрок этиш ва узатишда миянинг табиий иш фаолиятига таянади. Буни намуна сифатида талабаларнинг фрейм моделини ўзлаштириши жараёнида қўлланилган интеллект-картани келтириб ўтиш мумкин.



“Фрейм” мавзусидаги интеллект-карта намунаси

Билимларни тақдим этишнинг фрейм модели “ихчамлаштирилган” ва тизимлаштирилган ахборотларни жадвал ёки

матрица кўринишида акс эттиради. Инглизчадан таржима қилинганда *frame* қолип (рамка), калка (каркас), тана маъноларини билдиради. Янги назарияга тааллуқли асосий атаманинг бундай номланишига сабаб фрейм ўзида инсон қачондир тўқнаш келган, кўп маротаба дуч келган одатий вазиятнинг барча қисмлари рўйхатини эмас, фақат мазкур вазият учун жуда муҳим бўлганларини акс эттиришидадир. Аниқ бир вазиятда мазкур зарур таркибий қисмларнинг бирортасини мавжуд бўлмаслиги инсонни уни бошқа турдаги одатдаги вазиятга олиб ўтишга мажбур қилади ҳамда унга мос келувчи бошқа фреймни фаоллаштиради. Инсон ўзи учун янги вазиятни англаш ёки одатдаги нарса-ҳодисаларга янгича нуқтаи назар билан қарашга ҳаракат қилиб, ўзининг хотирасидан биз томонимиздан фрейм деб номланган айрим маълумот(образ)ларни танлайди, ана шу ҳисобда ундаги алоҳида деталларни ўзгартириш орқали кенгрок тоифадаги ҳодиса ёки жараёнларни тушунишга лаёқат ҳосил қилади. Фрейм ўзида одатий вазиятларни тасаввур қилиш учун маълумотлар тизимини акс эттиради. “Вазият” атамаси остида инсон онгида акс этувчи ташқи олам хилма-хил воқеликларининг умумий мазмуни тушунилади: ҳаракат, жараёнлар, ҳодиса, табиий объектлар ва артфактлар, бошқа одамларнинг хулқ-атвори, оғзаки ва ёзма матнлар ва ҳ.к. Фреймни тугунлар ва тугунлар орасидаги алоқадорликни ифода этувчи чизиқлардан ташкил топадиган чизмалар кўринишида график тасвирлаш мумкин.

Қуйида “Лудомания” мавзусидаги фреймни намуна сифатида келтириб ўтамиз.



“Лудомания” мавзусидаги фрейм намунаси

Хулоса: бундай интерфаол топшириқлардан машғулот давомида босқичма-босқич самарали фойдаланиш мумкин. Натижада, фаол таълим муҳити яратилади ҳамда талабанинг зеркишига имкон қолмайди. Ўқитувчининг тушунтирувчи-баён қилувчилик роли етакчилик қиладиган таълим муҳитида талабанинг оддий, фаолиятсиз тингловчига айланиб қолиши табиий. Айнан шундай дарс машғулотларига талабаларнинг иштироки суст, мотивация кам. Масофавий таълим шароитида ҳам, анъанавий таълимда ҳам педагогларнинг маҳорати ва фаол таълим муҳитини яратишдаги ижодкорлиги таълим натижасини белгиловчи асосий омилга айланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Нарушения образовательного процесса в связи с пандемией коронавируса COVID-19 и меры реагирования. <https://ru.unesco.org/covid19/educationresponse>.
2. Абдуллаева Ш.А. Ҳамкорлик педагогикаси. – Т.: Фан ва технология, 2017. – Б. 178
3. Ахмеджанов М. М. Диагностика подготовленности педагога к профессиональной деятельности: Автореф. дисс. канд. пед. наук. – Т.: 1994. – С. 23.
4. Ахмедова М.Т. Педагогик компетентлик. – Т.: ТДПУ, 2016. – Б. 84.
5. Белянкова Н.М. Интеграция естественно-научного и гуманитарного образования как фактор воспитания личности. – 2004. – №2. – С. 34-39.
6. Беспалько В. П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1996. – С. 336.
7. Белянкова Н.М. Интеграция естественно-научного и гуманитарного образования как фактор воспитания личности. – 2004. – №2. – С. 34-39.
8. Дилова Н.Ғ. Бошланғич таълимда ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс. – Нукус, 2018. – Б.152.
9. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении. – М.: Просвещение, 1991. – С. 215.
10. Жиренко О.Е., Интегрированные уроки. Л.П. Барылкина; под ред. д.п.н. Л.А.Обуховой. – М: ВАКО, 2006. – С. 240.
11. Жиренко, Л.П. Барылкина; под ред. д.п.н. Л.А.Обуховой. И 2 класс.– М: ВАКО, 2006. – С. 240.
12. Жукова Т.Н. Интеграционные тенденции в обучении грамоте // Начальная школа. – 2001. – № 9. – С. 37-40.
13. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Т., 2017 – Б. 68.
14. Панкратова Ольга Петровна. Проектирование междисциплинарной технологии обучения студентов в условиях информатизации образовательного процесса вуза. М.: 2019.
15. Юлбарсова Х.А., Интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. пед.фан.бўйича фалс. док. (PhD) дисс. – Арзамас, 2020.
16. Юсупова Ш., Режапова Д. Интеграцияли дарслар ташкил қилиш методикаси. – А.: 2020.
17. Костюк Григорий Силиович -<https://ru.wikipedia.org>.
18. Организация учебного процесса – [http:// www.courier.com.ru/top/content/mil.htm/](http://www.courier.com.ru/top/content/mil.htm/)